

НУРИДДИН ИСМОИЛОВ

ШИҚИР

Роман

Гарчи у сўрамаган, сўрашни хаёлига келтирмаган бўлса ҳам, омад қуши унинг бошига қўнди. Қўнгандаям, қанотларини кенг ёйиб, оҳсталик билан қўнди. Сўнг молдунё ўз-ўзидан оқиб келаверди. У йиғиштириб олаверди, олаверди...

Бўлмаса, қишлоқдан келган, бир неча йиллар мобайнида квартирама-квартира сарсон-саргардон юра-юра, охири амал-тақал қилиб эски шаҳарнинг қоқ марказидан томи қийшайган, ёғочлари чириган, гувала деворлари ёғин-сочиндан уваланиб кетган, пастқамгина, икки хонали иморат-у, узоғи билан бир сотихдан ё зиёдроқ, ё камроқ ҳовличага эга чиқиб, шунгаям бир қоп тилла топган одамдай, терисига сиғмай хурсанд бўлиб юрувди...

Кутилмаганда, ишхонасига ёшини яшаб, ошини ошаган, мол-дунёсининг адоғи йўқ бир одам келиб қолди. Муҳиддин бу пайтда ёзнинг иссиғига, хонанинг ниҳоятда димлигига қарамасдан берилиб мақола ёзиб ўтирарди. Эшик ғийқ этиб очилиб, қария аввал бош суқди, кейин худди ўз уйига кираётгандай, эшикни баттар ғийқиллатиб каттароқ очди-да, бемалол ичкарига қадам қўйди. Мақоласини тезроқ тугатиш учун куйиб-пишиб ишлаётган Муҳиддин хушламайгина кутилмаган меҳмонга кўз ташлади. Қаршисида тап-тақир бошига дўппи қўндирган, юзи буришиб-тиришиб кетган, қўринишидан саксон ёшни уриб қўйган қария турарди. Муҳиддиннинг жонпони чиқиб кетди. Аммо кекса кишининг ҳурматини қилиб, тишини тишига босиб, секин ўрнидан турди. Ўзини мажбурлаб, қарияга салом берди. Ҳатто иржайди ҳам. Сўнг истамайгина ўтиришга жой кўрсатди.

— Ҳимм, — деди стулга яхшилаб ўтириб олган қария дўпписини олиб терлаган бошини дастрўмоли билан артиб, деворларига ҳеч нарса илинмаган, кираверишдан

ўнг қўл томондаги шкафга териб қўйилган ўн-ўн беш китобга, сўнг Муҳиддин ўтирган алмисоқдан қолган стулга, стол устидаги бир уюм қоғозларга назар ташларкан, — хонанг ғарибгина экан.

— Ҳа, энди, — деди ёзаётганини ҳам, жаҳли чиққанини ҳам унутган Муҳиддин бироз ноқулай аҳволга тушиб, — бу ёғи газетчилик. Газетчиликда одамнинг бой бўлиши қийин-да...

— Қийин экан, лекин иложсизмасакан-ку. Қийинчиликнинг бўйинини қайириш керак, болам. Дунёда осон ишнинг ўзи йўқ. Игнанинг қандай ясалишини биласанми?

— Йўқ, — деб бош чайқади ҳайрон бўлган Муҳиддин, — игнанинг менга нима алоқаси бор?

— Энди айтаман-да, шуниям, яхши уста бўлмасанг, қилишинг қийин, дейман-да, болам, — деб қария иккала қўлини ҳам столга қўйди.

— Майли, амаллармиз, айтганингиздай, енгармиз қийинчиликни...

— Оббо, — дея жилмайди қария, шунда унинг юзидаги ажинлари янада кўпайиб, баттар кекса кўрсатиб қўйди уни, — қуруқ енгини билан иш битмайди. Бўйинини қайириш керак. Ана шунда қийинчилик сенинг хизматингни қилиб юради.

Муҳиддин қоғозларни столнинг бир четига тахлай бошлади. Айни чоғда бу ғалати чолнинг ғалати гапларидан ҳайратини яширолмаётган эди.

— Қўй, болам, ишингни йиғиштирма. Ҳали бу қоғозларни сочиб ташлаш учун ҳам вақт сарфлайсан, — деди чол.

Муҳиддин қария билан шу икки оғиз гаплашиш асосида ўзи билмаган ҳолда итоаткорга айланиб қолганди. Шу боисдан қилаётган ишини бирдан тўхтатди ва савол назари билан қарияга қаради. У эса Муҳиддинга синчков тикилиб, гапиришда давом этди.

— Ҳимм, бу эзма чол нега кепти, демоқчисан. Сенинг ўрнингда мен ҳам шунақа деб ўйлаган бўлардим. Ўзи ёшинг ўтавергандан кейин эзма бўп қоларкансан. Сўнг ёшларнинг айблариям дарров кўринавераркан кўзингга, — деб пешонасини қашлади чол, кейин яна унинг гап-

ларини диққат билан эшитаётган Муҳиддинга юзланди, — мен илгариям бу ерга бир-икки марта келганман. Аनावи редакторларинг бор-ку, мўйловли, Абдуғулом, барака топ-гурнинг отаси сал у ёқ-бу ёқни ўйлаб от қўймаган экан-да. Ғулом де, Абди десанг ҳам, биров хафа бўлмасди. Ишқилиб, шу бошлиғингнинг оти сал беўхшов бўлганакан-да. Майли, бунисини қўя турайлик. Шу боланинг ёнига келувдим.

— Бирон нима ёзиш керакмиди? — сўради Муҳиддин қариянинг муддаосини тушунишга уринаркан, унинг гапини бўлиб.

— Эй-й, — қўл силтади чол, — бирон нима қоптими ёзгани? Буларим бўлган. Шу десанг, газитингда ишлайдиганларга пул бермоқчийдим.

— Нима? — деди ҳайратдан кўзлари олайиб кетган Муҳиддин. — Пул бермоқчийдингиз?.. Нега?

— Ҳа, пул. Хотин йўқ. Бола-чақа йўқ. Негалигини сўрама. Барибир, айтиб охирига етказолмайман... Лекин Худо мени бойликдан қисмади. Тупроқ олсам, олтинга айланаверди. Ҳозир ҳам ишонсанг-ишонмасанг, бешта катта, учта кичкина дўконим бор. Пул дегани оқиб келади. Ҳеч нима қилмай, уйда оёғимни осмонга қўтариб ётсам ҳам, умримнинг охиригача зориқмайман. Мендай ёши бир жойга бориб қолган одам бир кунда қанчагина пул ишлатиши мумкин? Ҳа, бу ҳақдаям қаердадир ёзишувди... Ўқувдим, шекилли, ёки эшитганмидим?.. Сен бола нимага анграясан?

Қариянинг бойлигини ўзича чамалаб кўраётган Муҳиддин чўчиб тушди. Сўнг худди ҳаво етишмаётгандай, кўйлагининг тугмасини ечиб, кўкрагини кенгроқ очиб қўйди.

— Нима, умрингда пул тўғрисида биров билан гаплашмаганмисан? Оғзинг очилиб қолди? — деди ҳамсуҳбатининг ўтиришидан энсаси қотган қария.

— Гаплашганман... Гаплашганман, фақат бунақасини эшитмаганман... Сиз... пулингизни Абдуғулом акага бермоқчимидингиз? — деб ютиниб қўйди Муҳиддин.

— Ҳа, шунақа дегандим... Аммо бу бола гапни роса айлантирди. Ўзиям автоматдай потирлаб гапираркан. Авал газетга ўтказармишман пулни, кейин яна бир бало

қиларканман. Кейин ходимларнинг рабати... — қария беҳафсала қўл силтади. — Мана сен ҳам журналистсан, шундайми?

— Ҳа-а, — дея бош ирғади Муҳиддин.

— Мен газитга пул ўтказганимдан кейин редактор шу пулни бўларкан, ҳарф терувчига, кейин битта сап-сарик бола боракан... Тўғриси, саксондан ошган бўлсам ҳам, бировларнинг ёнида ноқулай бўлмасин деб, атир-патир сепиб қўяман кийимларимга. Шу сарик бола кирди-ю, димоғим ачишди. Болам, шу болага юмшоқлик билан тушунтир, сал у ёқ-бу ёғига қараб юрсин. Нима деятувдим? Ҳа, бошлиғинг билан шу сарик бола иккови кимки газитда ишлайдиган бўлса, мен ўтказадиган пулнинг ҳаммасини бўлиб олишларини айтди.

— Унақамасиди-ку... — деди Муҳиддин каловланиб, — кимки таҳририят ҳисоб рақамига пул туширса, йигирма фоизини оларди. Қолгани газетани... — у қарияга бир қараб олди-да, пешонасини тириштирди.

— Аслида, пулимни дуч келган одамга бериб кетмоқчимасман. Ҳалол-покиза одамларга бўлиб берсам, дегандим, — дея сўзлай бошлади қария Муҳиддин жим бўлиб қолгач. — Бунданам муҳими, менинг отам ҳам бир вақтлари газит чиқазган. У ҳам сизларга ўхшаган қаламқаш эди. Отамнинг руҳини ёд этолмадим. Тириклигида бўлса, хурсанд бўладиган иш қилолмадим. Тўғрисини айтсам, отам бечора косаси оқармай дунёдан ўтган. Шундан бери унинг касбдошларини учратиб қолсам, уларга раҳмим келади. Отамнинг руҳини шод этиш учун, ҳеч бўлмаганда, умрим охирлаётганда унинг касбдошларига бирор яхшилик қилсам, деган ниятим бор эди.

Муҳиддин қарияга тикилиб ўтираркан: “Эс-ҳушидан ажраб, алжираб қолганми, десам, ҳали зийраккина кўри-нади, аммо айтаётган гаплари ҳеч бир қолипга тўғри келмайди, тавба, шунақасиям бўларканми?..” дея ўйлар, чолнинг айтганларига ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмасди.

— Аввало, овора бўп келганингиз учун раҳмат, ота, — деди у ҳамсуҳбатининг гапларини охиригача эшитиб бўлгандан кейин, — бола-чақангиз бўлмагани билан қариндош-уруғингиз бордир. Беш-бегонага мол-давла-

тингизни ташлаб кетгандан кўра, шуларга бўлиб берсангиз...

— Сен айтмасанг ҳам, аввал шундай қилмоқчи бўлгандим. Укамнинг ўғлини дўконларимдан биттасига обориб, бундан бу ёғига кўчада санқиб юрмасдан, шу дўконни бошқар, ичидаги мол-мулки билан сеники, дедим. Лекин дўконни дарров унинг номига ўтказиб бермадим. Беш-олти кун қарайин, менинг пешона терим билан эришган нарсаларимнинг қадрига етадими, йўқми, деб кузатмоқчи бўлдим. Орадан икки кун ўтди.

Пешин намозимни ўқиб, секин набирагинам ишлаётган дўконга бордим. Эшикдан киришим билан иккита бегана қизга кўзим тушди. Чочларини алламбало қиволган, киприклари узун, кўзлари катта-катта, калта юбка кийган. “Етти-саккиз йилдан бери ҳалол ишлаганлар бу болага ёқмабди-да. Майли, бизнес учун шундай чиройли қизларнинг дўконда бўлишлари яхшидир, лекин бунақанги бўянишлари, калта юбка кийишлари тўғри келмайди”, деб хаёлимдан ўтказдим. Илгари дўконимга ёши улуғ одам келса, ходимларим дарров салом беришарди. Бу қизлар эса салом бериш у ёқда турсин, мени кўришлари билан энсасини қотиришди. Шуниси кўнглимга сал оғир ботди. Лекин бу ҳали ҳолва экан. Таннозланиб турган қизлардан набирамни сўрадим, — дея кулди қария, — билсанг, болам, улар бир-бирига қараб лаб буришди.

— Нима ишингиз бориди? — деди улардан биттаси қошини чимириб.

— Шундай... дўконнинг хўжайинини кўриб кетайин дегандим-да, — дедим уларни койиб беришдан ўзимни тийиб. Ичимда эса: “Ўзингни бос, Ўжарқул, ёшда булар. Ҳали ақли-ҳушини йиғиштириб олишса, яхши бўп кетади. Ҳали эр-перга тегсин, яхши-ёмонни кўрсин, ўз-ўзидан мулойим тортиб қолишади”, деб ўзимни ўзим овутаман.

Шунда қиз ўлгур:

— Хўжайиннинг ҳар кимлар билан бекорчи гапларни гаплашишга вақти йўқ. Ҳеч нима олмайдиган бўлсангиз, дўкондан чиқиб кетинг, — деса бўладими? Секин шимимнинг чўнтагига қўлимни тиқиб, сонимдан чимчила-

дим. Буям ўзини босволишнинг битта йўли-да, болам.

Муҳиддиннинг бутун вужуди қулоққа айланган, киприк қоқмай, чолнинг гапларини эшитарди.

— Чойнинг борми? — сўраб қолди қария.

Журналист йигит индамади. Чол қуриб қолган лабини тили билан артди ҳамда:

— Сизлар чой ичмайсизларми? — деб сўроғини бошқачароқ оҳангда такрорлади. Шундагина унинг гапи Муҳиддинга етиб борди.

— Чой?.. Эй-й, эсим қурсин, чой бор, мана ҳозир, — деб чойнакдан совиб қолган, ранги қизарган чойни пиёлага қуйиб чолга узатди у. Қария кўп ичмади, номигагина хўплаб, томоғини хўллаб олди. Афтидан, чойнинг ачиб кетгани унга маъқул келмаганди.

— Хуллас, — ҳикоясини давом эттирди қария, — қараб турсам, бу қиз тушмагурлар мени ўз дўконимдан ҳайдаб чиқарадиган.

— Менга қара, — дедим уларга яқинлашиб, — сенларнинг хўжайинингни шу ерга бошлиқ қип қўйган мен бўламан!

Иккала қиз ҳам тарашадай қотиб қолишди. Ўзи оппоқ нарсалармасми, юзида қон қолмади ҳисоб. Кейин бирдан бир юз саксон градусга ўзгариб, мулойим тортиб, салом беришди. Набирамни дарров чақириб келишларини айтишди.

— Тўхта, мен ўзим хонасига боравераман, чақириниш шартмас, — дедим зарда билан.

Улар бундан баттар довдираб қолишди ва мени аврашга тушиб кетишди. Худди ёш болани алдагандай алдай бошлашди. Ишқилиб, мен уларнинг хўжайинининг ёнига бормасам-у, унинг ўзи чиқиб келса... Бу ерда бир гап борлигини дарров кўнглим сезди. Уларнинг ҳайҳайлашига қарамай, бориб, укагинамнинг набираси ўтирган хона эшигини очдим-у, ҳайратдан донг қотдим. Набирам — Бахтиёр, умринг узоқ бўлгур, хонага кираверишда чап томондаги деворга тақаб қўйилган диванда битта қизни қучоқлаб ўтирибди. Қизгина деярли ечиниб бўлган, сочлари тўзғиб кетган. Бахтиёр майкачан. Буни кўриб, давлениям ошиб кетди. Кўз олдим қоронғилашди. Аммо бир нима деёлмадим. Шартта орқамга қайтдим. Бўғзимга

бир нима тиқилиб қолгандай эди. Ишонсанг, болам, йигирма йил аввал йиғлагандим. Кампирим, тилаб олган ўғлим, икки набирам ва келиним Чорвоқдан қайтиб келаётиб аварияга учраган... улардан бирортасиям омон қолмаганди. Ўшанда қон бўлиб йиғлагандим. Яқинларингнинг биридан айрилсанг, йиғлаб-йиғлаб кўнасан, бир йўла ҳаммасидан жудо бўлсанг, бошингни қайси тошга урасан ахир?! Ўшанда йиғлайверганимдан юрак-бағрим кўз ёшимга қўшилиб ситилиб чиқиб кетмаганига ҳалигача ҳайрон қоламан.

Қариянинг кўзида ёш ҳалқаланди. У сўзлашдан тўхтади. Бутун вужуди титрай бошлади. Пиёлани олди. Қўли қалтираганидан пиёла ичидаги чой чайқала бошлади. Муҳиддин нима дейишни, қарияга қандай юпанч беришини билмай, карахт бир аҳволда чолга термилиб турарди. Аксига олиб, шу пайтда унинг мияси тормозланган, қариянинг қўнглини кўтариш учун тузук-қуруқ гап хаёлига келмаётганди.

— Ота, — деди у, ниҳоят, тилга кириб, — Бахтиёр бир марта хато қилиб қўйгандир, кейин нима иш қилиб қўй...

— Мени овутаман, деб овора бўлма, — деди қария унинг гапини бўлиб, сўнг кўрсаткич бармоғи билан кўзидаги ёшни артиб, гапиришда давом этди: — мен овуниш ёшидан ўтиб кетганман... Ўша куниёқ Бахтиёрни ҳайдадим. Унга қўшиб анави қизларниям тумтарақай қувдим. Кейин нима бўлганини биласанми?

Ўжарқул отанинг нигоҳидан ўт чақнади. Муҳиддин айбдордай безовталанди.

— Бахтиёрбой, — гапида давом этди чол кўзини Муҳиддиндан олиб, совуқ чойдан бир ҳўплаб пиёлани столнинг устига қўяркан, — ўша менинг меҳрим тушган набирам уйимга келиб угражат қилди. Ўлдирвораман, деб қўрқитди. Индамадим. Қирқ йил бўлганди ичмаганимга. Ўша куни ярим шиша коньяк ичдим. Тасаввур қиляяпсанми? Саксондан ошган, гўрнинг ёқасида турган одам... Гуноҳга қўл урдим. Кейин Бахтиёрга икки минг доллар бердим. «Болам, бориб маишатингни қилиб юравер, қариб миям кирди-чиқди бўп қопти. Ёшсан, сени тушунишим керагиди», дедим. Бахтиёрнинг оғзи қулоғида иржайибтиржайди. Билиб турибман, хаёлида бошқа нарса. Берган

пулимни ҳавога совуради-да, яна келиб мени кўрқитади. Эсини еган чол кўрққанидан тагин беш-олти минг кўкидан берворади, у тагин маишатини давом этказади.

Лекин у уйимдан чиқиб кетолмади, қоровул йигитларим бор, ҳар бири девдай келади. Шуларга секин телефон қилиб, Бахтиёрни ушлашни буюрдим. Албатта, уларга айтсам, Бахтиёрнинг терисини шилиб, сомон тиқишарди. Аммо мен бундай қилмадим. Милисага бервордим.

Қария пиёладаги қолган чойни симирди. Энди унга нисбатан муносабати бутунлай ўзгарган Муҳиддин тагин чой қуйиб берди.

— Ана, — деди Ўжарқул ота яна сўзлашда давом этиб, — биттасининг кимлигини сенга айтдим. Қолган қариндош-уруғим ҳам шунинг нари-бериси-да. Аммо шогирдим бор. Ниҳоятда садоқатли, жуда кўп марта мени қийин вазиятдан олиб чиққан. Ўшанга учта катта дўконимни бердим. Умримнинг охиригача иссиқ-совуғимдан хабар олиб туради. Шу... қолган мол-мулкимни газитда ишлайдиганларнинг бир-иккитасига хатлаб берсам, деб ният қилувдим-да.

— Ота, — деди боши қотган Муҳиддин, — сизга бу масалада ҳеч нима деёлмайман. Чунки маслаҳат берадиган ёшдамасман. Унақа жуда ақлли ҳам эмасман. Бунинг устига, ҳали уйланмаганман.

— Маслаҳат беролмаслигингни яхши биламан. Ҳа, айтганча, ота-онанг нима иш қилишади?

Муҳиддин бошини эгди. Бир муддат жим қолди. Сўнг маҳзун товушда:

— Улар йўқ, тоғамнинг уйида катта бўлганман, — деди.

— Ҳа-а, — деди қария мийиғида кулиб, — иккаламиз бир хил эканмиз. Фақат сен ёшсан.

— Яна битта фарқ бор, — деди Муҳиддин кулимсираб, — сизнинг бойлигингизнинг адоғи йўқ...

— Сен камбағалсан, — дея Муҳиддиннинг оғзидан гапини илиб кетди қария.

— Лекин, бу, менга қолган дўконларингизни беринг, деганимас. Ўйлаб қарасам, бизнинг редакцияда сиз ўйлаган одам йўқ экан.

— Сенинг ёнингга келгунимча мен ҳам шундай хаёлда

эдим. Энди, болам, йўқ дема, битта дўконимни сенга бераман.

Муҳиддин буни кутмаганди. Беихтиёр юраги гупиллаб уриб кетди. Ҳаяжонланганидан столни черта бошлади.

— Биласизми? — деди ўзини зўрға босиб. — Мен дўконни эплайдиган боламасман. Ундан кейин сиз билан гаплашиб ўтирганимизга узоғи билан бирор ўн минут бўлди, холос. Бундан чиқди, бир-биримизга беш-бегонамиз. Дуч келган одамга дўконингизни бериб кетаверасизми? Бунақаси худогаям хуш келмайди, менимча... Ахир сиз неча йиллаб тер тўккансиз, ишларингизни йўлга қўйиб олгунча қанча асабийлашгансиз... Шунча қийинчилик билан топганингизни танимаган-билмаган болага қўшқўллаб топширасизми? Йўқ, отахон... Бунақаси бўлиши мумкинмас...

— У ёғи билан сенинг ишинг бўлмасин. Бўпти, мен кетдим, ҳали қиладиган ишларим бир дунё. Дакументлар эртага пешингача тайёр бўлади, сенга телефон қиламан.

Ўжарқул ота ўрнидан турди, эшикдан йўлакка чиқди. “Бу чол мен билан ҳазиллашяптими?..” деб ўйлади Муҳиддин унинг ортидан сеҳрлангандай қимирламасдан тикилиб қоларкан. Ҳатто шу тобда ўзига шундай мурувват кўрсатмоқчи бўлган одамни кузатиб қўйиш ҳам унинг хаёлига келмади. Фақат орадан бирор уч дақиқа ўтганидан кейин бир нима эсига тушгандай, сапчиб ўрнидан турди-да, югурганча йўлакка чиқди. Энди кеч бўлганди. Чол йўлакда кўринмасди. Хонасига қайтиб кирган йигит ҳолсизгина жойига ўтирди. Стол устидаги бир уюм қоғозга қаради. Ёзиши лозим бўлган мақолани эслади. Лекин миясида ўй-фикрлари айқаш-уйқаш бўлиб ётибди. Шу маҳал хонага ҳовлиққанча Абдували сариқ кириб келди. У Муҳиддиндан қарийб беш ёш кичик, эндигина йигирмага тўлган. Бу таҳририятга ишга ўтганига ҳам кўп бўлгани йўқ. Узоғи билан бирор олти ой бўлган, лекин шунга қарамасдан, муҳаррирни қўлга олишга улгурди. Муҳиддин уни ҳар сафар кўрганида: “Пахтакорларга шон-шарафлар бўлсин”, дерди. Бу гапни эшитган Абдували беўхшов тиржайиб: “Ака, бизни кичкина деманг, қўлимиздан анча-мунча иш келади. Бундай қарасам, тагингиздаги стул қимирлаб қолганга ўхшайди”, деб жавоб

қайтаради. “Сен нафақат “пахтакор”, балки дурадгор-ликниям боплайсан. Фақат тузатиш қўлингдан келмай-ди-да”, дея кесатади Муҳиддин.

Сариқ одамнинг оқаргани чатоқ бўларкан, Муҳиддиннинг ёнига ҳовлиқиб кириб келган Абдувалининг юзини мурданикидан ажратиб бўлмасди.

— Тинчликми, ука? — сўради Муҳиддин унинг афт-ангорига қараб.

— Ака, — деди Абдували ҳансирашдан тўхтаб, қисик кўзларини ола-кула қилиб, — ёнингизга ким келди?

— Нимаиди? — сўроққа сўроқ билан жавоб берди Муҳиддин.

— Хонангиздан анави чол чиқаётганига кўзим тушди. Нима дарда кепти?

— Сенга нима?

— Пул бераман, дедими?.. — оғзини бир тарафга қийшайтириб, Муҳиддиннинг кўзига тикилди Абдували. — Лекин-чи, ака, у эсини еган чолга ишонманг. Тунов куни Абдуғулом аканинг ўзи билан учрашувди. Мен ҳам бор эдим. Бизни майна қилмоқчи бўлди. Боладик. Дами чиқмай қолди. У шу йўл билан бизнинг редакциядагиларни паставка қилмоқчи, кўзи айтиб турибди, ишонаверинг менга.

— Мен ундан ҳеч вақо сўраганим йўқ! — деди жаҳли чиқа бошлаган Муҳиддин овозини бир парда кўтариб.

— Гап сизнинг сўраган-сўрамаганингиздамас. Биринчидан, шу чолдан пул олганингизни шеф эшитиб қолса, оёғингиз осмондан бўлишини биласиз, иккинчидан, у сизни паставка қиладиган бўлса, бутун бошли газитни шарманда қиласиз. Шунинг учун қадамингизни ўйлаб босинг.

— Биринчидан, кеча тухумдан чиқиб бугун менга ақл ўргатма, ука, иккинчидан, илтимос, деразани очвор, ни-магадир хонанинг ҳавоси бузилиб кетди, — деди Муҳиддин ва жаҳл билан стол устидаги қоғозларни тартибга келтира бошлади.

Абдувалининг оқарган башараси энди қизарди. Қизларникига ўхшаш момиқ бармоқлари қалтиради.

— Кесатмасдан чиқиб кет, денг, кетаман, — деб ўрнидан турди.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/812> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/812> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную
версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/812>